
ҚЎШТЕПАДА ЯНА БИР МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Бугун Қўштепа тумани Истиқлол МФЙ ҳудудида капитал таъмирдан чиқарилган Истиқлол маданият марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Маданият вазири Озодбек Назарбеков, маданият соҳаси ходимлари, маҳалла нуронийлари, ёшлар иштирок этди.

Тадбирда “Инсон қадрини учун” деган ислохотларда маданият соҳасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилгани, янги қарорлар, имкониятлар, шароитлар қилиб берилаётганлиги қайд этилди. Бу қошона халқимиз хурсандчилиги, маданий ҳордиқ чиқариши учун хизмат қилиши, ёшлар учун тўғараклар, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, маданий соҳада қизиққан йўналишлари бўйича билим олишлари учун шароит қилиш лозимлиги таъкидланди. Фақат шаҳарларда эмас, балки қишлоқларда яшовчи аҳоли вакилларининг маданий ҳордиқ чиқариши, концерт, театр томоша қилишлари учун бу каби иншоотлар кераклигига эътибор қаратилди.

4,5 миллиард сўм маблағ сарф этилган марказ Истиқлол МФЙда яшовчи 3 минг 600 дан зиёд аҳоли билан биргаликда тумандаги 14 та маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси учун ҳам хизмат кўрсатади.

Марказда 440 ўринли томоша зали, рақс, мусиқа, эстрада йўналишларида 10 дан ортиқ тўғаракларга 200 дан зиёд ёшлар жалб этилади. Кейинчалик бу ерда музей ҳам ташкил қилиш режалаштирилган.

Тадбир давомида туман маданият бўлими ходимлари томонидан тайёрланган бадиий чиқишлар иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-05-16 17:05:51